МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

«PROGRESS AUDIT»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

200100, Hamza ko'chasi, 14-uy Buxoro shahri тел. (8-365) 223-86-40

**№ 01-104**
**30 апрел 2018 йил**

**«BOYOVUT PAXTA TOZALASH» АЖ**
**Раҳбарияти ва мулкдорларига**

## ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ҲУЛОСАСИ

Мен, Назаров Шер Махкамович (2011 йил 21 майдаги 04964-сонли аудитор малака сертификати), маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «PROGRESS AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016 йил 22-апрелидаги 00310-сонли Лицензия; Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013–йил 7–октябрда берилган 351-сон гувоҳнома; СТИР: 202 359 083) катта аудитори томонидан «BOYOVUT PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатига Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Корхона раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Мен «BOYOVUT PAXTA TOZALASH» Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Мен аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий андозаларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлди. Бизнинг фикримизча, махсус қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

2017 йил 31 декабр ҳолатига «BOYOVUT PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг ҳисоб сиёсатида амортизация меъёрлари солиқ қонунчилигида белгиланган меъёрдан икки баравар кам ставкада кўрсатилган бўлишига қарамасдан, солиқ қонунчилигида белгиланган меъёрларда ҳисобланмоқда. Бу бузиб кўрсатишлар муҳимлилик даражасидан ошмайди.

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботларга таъсиридан ташқари, «BOYOVUT PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2017 йил якуни буйича тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари (илова қилинади) нинг Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мос келади.

МЧЖ шаклидаги « PROGRESS - AUDIT »
ташкилоти директори _____ Хаитов С.С.

Катта аудитор: _____ Ш.М. Назаров